Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ: *Ҳар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади*

*Ҳисобга олиш прибори давлат рақами ____________ ток трансформатори ____ кучланиш трансформатори ____ жами коэффициент ______ уланган қуввати ______ кВт*

*Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил* ____________________

____________________

*шаҳар, куча, маҳалла, уй рақами*

Тариф гуруҳи __II__ Фаолият тури ____________________

*(Гуруҳ чиқ.чиқ.Шашлыки.Гушт.Пишлоқ.чиқ.чиқ.Алфа цех.Насос.Савдо.Кафе..Оилавий.Устахона ва...???)*

1. «Истеъмолчи»нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) юқори электр тармоғи ____________________

____________________

б) кичик электр тармоғи ____________________

____________________

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами_____ , ________ кВА

____________________

2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси ____________________

____________________

3. ... қуйидагиларга:

1) ____________________

____________________ хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан;

____________________

... билан тузилган *«Техник хизмат кўрсатиш»* № ______ *сана* ________ *й.* шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. *«Техник хизмат кўрсатиш» шартномаси тузмаса* ____________ *томонидан хизмат кўрсатилмайди.*

5. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: ____________________

____________________

Вакиллар:

Истеъмолчи ____________ (имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Корхона ____________ (имзо) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

3.14. «Истеъмолчи»нинг қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида уйда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунча) берилиши лозим;